

Самарқанд Давлат университети
кенгашининг 2019 йил 31 майдаги
йиғилиши 11-сонли мажлиси баёни
қарори билан тасдиқланган.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил 9-сон, 225-модда), “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил 11-12-сон, 295-модда) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 3 декабрдаги 487-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий ўқув юртининг илмий кенгаши тўғрисидаги намунавий низом”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 181-сон қарори 2-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 февралдаги 181-сон қарори ижроси тўғрисида”ги 214-сон ва 2019 йил 1 апрелдаги “Вазирликнинг айрим буйруқларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 296-сон буйруқларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган бўлиб, университет кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар.

1. Университет кенгаши Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари, Самарқанд Давлат университетининг мазкур Низомига мувофиқ ўқув, маънавий-маърифий, илмий, иқтисодий, тадбиркорлик, ташкилий соҳаларга оид асосий масалаларни кўриб чиқиш учун ташкил этилади.

2. Кенгаш таркибига университет ректори, проректорлар, кенгаш илмий котиби, факультетлар деканлари, университет таркибига кирувчи мустақил ташкилот ва тармоқлар раҳбарлари, мутахассис чиқарувчи айрим кафедралар мудирлари, ҳарбий кафедра бошлиғи, университетнинг айрим бўлим бошлиқлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази бошлиғи, университет қошидаги академик лицей директори ва университет катта юрисконсулти ўз хизмат лавозимлари бўйича киритилади.

Бундан ташқари, кенгашнинг бошқа аъзолари факультетларнинг умумий мажлисларида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Профессор-ўқитувчилар таркибидан университет кенгашига сайланувчи аъзоларнинг сони ректор буйруғи билан белгиланади. Кенгаш таркибига муайян йўналиш муаммолари бўйича ишлаётган йирик олим ва мутахассислар ҳам киритилиши мумкин.

Университет кенгашининг ваколат муддати 5 йил.

3. Кенгаш таркиби университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Ҳар ўқув йилининг бошида турли сабабларга кўра кенгаш таркибидан чиққан аъзолар ўрнига янги аъзолар сайланади ёки низом бўйича киритилади.

II. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари.

4. Кенгашнинг мақсади университет жамоасининг интеллектуал салоҳияти, илмий, педагогик ва бошқа имкониятларини Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, олий таълимнинг давлат таълим стандарти талаблари даражасида мукамал билим, малака, кўникмаларига эга бўлган профессионал

мутахассислар тайёрлашга йўналтиришдан иборат.

5. Самарқанд Давлат университети кенгаши:

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурларнинг қатъий бажарилишини ўрганиб чиқади ҳамда устувор масалалар бўйича тавсия ва топшириқлар белгилайди;

- университетнинг ўқув-педагогик, илмий тадқиқот фаолиятининг сифати ва тайёрланадиган кадрларининг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган хорижий илғор тизимларни бошқарув ва таълим жараёнига жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда университетнинг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этади;

- университет раҳбариятининг мамлакат олий таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида фаол иштирок этиш борасидаги масъулиятни ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилайди;

- университетнинг молиявий-иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришиши борасида керакли чора-тадбирларни белгилайди;

- факультетларнинг ўқув, илмий тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлари, университет хузуридаги академик лицей ҳамда илмий жамиятларнинг фаолияти, қабул комиссиясининг қабул натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини, шунингдек, маркетинг хизматининг халқ хўжалигининг битирувчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжи, буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари тўғрисидаги фаолиятини ўрганиш бўйича ректор буйруқлари билан тузилган комиссиялар ҳисоботларини эшитади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилади;

- университет профессор-ўқитувчилари билан умумтаълим, академик лицей, ўрта-маҳсус таълими муассасалари ҳамкорлигида бажарилган ишлар ҳисоботини муҳокама қилиб боради;

- университет битирувчиларини корхона ва ташкилотларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, ишга жойлаштириш мониторинги тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиб боради;

- университет қабул квотасини шакллантириш тўғрисидаги маълумотларни бериб боради;

- илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлар режалари ижроси, профессор-ўқитувчилар таркибининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларини муҳокама қилади, университет хузуридаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази раҳбарининг ҳисоботини эшитади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилади;

- университетни ривожлантиришнинг йиллик ва истиқбол режаларини тасдиқлайди, моддий-техник таъминоти ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини муҳокама қилади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилади;

- факультетлар ва кафедраларни очиш, тугатиш, ўзгартириш, шунингдек маркетинг хизмати таклифларини ҳисобга олган ҳолда янги бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ёки тўхтатиш билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

- “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ кафедра мудири, профессор-ўқитувчилар лавозимларини эгаллаш бўйича танловлар эълон қилади ва ўтказди;

- жисмоний маданият ва спорт кафедралари мудири, ўқитувчиси лавозимини эгаллаш учун танлов ўтказиладиган кенгаш йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги вакилининг иштирокида ўтказди;

- профессор, доцент илмий унвонини олишга тавсия этиладиган ходимларнинг хужжатларини ўрганиб чиқади ва белгиланган тартибда илмий унвонга тасдиқлаш учун танлов асосида тавсия этади;

- университет битирувчилари ҳамда профессор-ўқитувчиларининг чет тилини ўрганишларини таъминлаш ва компьютер технологиялари, интернетдан фойдалана олишлари бўйича таянч кўникмаларини шакллантириш масалаларини муҳокама қилади ва чора-тадбирлар белгилайди;

- таълим жараёнининг ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги, янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари, монографиялар, шунингдек, инновацион таълим технологияларини қўллашга асосланган ўқув-услубий мажмуаларни тайёрлаш ва нашр этиш масалаларини муҳокама қилади;

- докторантурага тавсия этилган номзодларнинг шахсий режалари ва диссертациялари мавзуларини, илмий раҳбарлари ва хорижий илмий маслаҳатчиларини тасдиқлайди;

- иқтидорли талабалар сафидан ва профессор-ўқитувчилар таркибидан номзодларни “Эл-юрт умиди” ва бошқа жамғармалар орқали хорижий олий таълим муассасаларида ўқиш, малака ошириш, стажировка ўтишга тавсия этади;

- университет иқтидорли талабалари ва магистрантлари сафидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ва атоқли давлат стипендиялари танловларига номзодлар тавсия этади;

- “Соғлом авлод учун” жамғармаси билан ҳамкорликда талабаларнинг жисмоний тарбияси ва уларнинг соғлиқларини янада яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

- асосий буюртмачи ташкилот, корхона ва муассасалар билан корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, талабаларнинг йиллик малакавий амалиётига яқун яшаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилади ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

- хорижий мамлакатларнинг олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш бўйича қарорлар қабул қилади, ҳамкорлик шартномалари тузади;

- хорижда илмий сафарда бўлган профессор-ўқитувчиларнинг ҳисоботларини муҳокама этади;

- фанлар академияси тармоқ институтлари билан ҳамкорликда кафедралар филиалларини очиш бўйича қарорлар қабул қилади;

- илмий тадқиқот ишларини яқунлаш, дарслик, ўқув қўлланмалари ва монографиялар яратиш учун ижодий таътиллаш беришга тавсия этади;

- таълим хизматлари билан шуғулланувчи кичик корхоналар, фирмалар, курслар очиш ва уларнинг фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни эшитади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилади;

- университет талабалари, магистрантлари, профессор-ўқитувчилари, ходимларининг хавфсизлик техникасига риоя этишлари ва меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш бўйича тадбирлар белгилайди;

- олий таълим бўйича Президент Қарорлари, Фармонлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда Ўзбекистонда йилнинг номланишидан келиб чиқиб қабул қилинган давлат миқёсидаги турли дастурлар ижроси бўйича ҳисоботларни муҳокама этади ва тегишли қарорлар қабул қилади.

III. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш.

3.1. Кенгаш ўз фаолиятини ҳар ўқув йили учун июнь ойида ишлаб чиқиладиган режага мувофиқ амалга оширади. Кенгаш иш режаси кенгаш аъзолари томонидан кўриб чиқилганидан сўнг университет ректори томонидан тасдиқланади.

3.2. Кенгашда кўриб чиқиш учун унинг ваколатидаги университет фаолияти билан боғлиқ масалалар университет Иш регламентига асосан киритилади.

3.3. Кенгаш йиғилишига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни мувофиқлаштириш кенгаш илмий котибига топширилади. Илмий котиб кенгаш мажлисининг кун тартибидаги масалалар бўйича маълумотнома ва қарор лойиҳаларини тайёрлаш, йиғилишга кенгаш аъзолари ва таклиф этиладиган ходимларни хабардор қилиш ҳамда кенгаш мажлиси қарорларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, жойларга ўз вақтида етказишга оид барча ишларни ташкил этади. Амалга оширилган ишлар ҳақида ректорга ахборот беради.

3.4. Университет кенгаши мажлисларида муҳокама этиладиган масалалар, тасдиқланган иш режага мувофиқ, проректорлар, факультетлар деканлари, бўлимлар бошлиқлари, улар бўлмаган (буйруқ асосида хизмат сафари, меҳнат таътилида бўлган) ҳолларда эса уларнинг ўринбосарлари томонидан киритилади.

3.5. Кенгаш мажлисининг кун тартиби, иш режага мувофиқ, йиғилиш ўтказиладиган кундан 15 кун олдин ректор билан келишилган ҳолда тайёрланади ва масалани тайёрлашга масъул бўлимларга хабар берилади. Кенгаш аъзоларига таклифномалар мажлисдан 5 кун олдин илмий котиб томонидан тарқатилади. Зарур ҳолларда, кенгаш мажлисининг кун тартибига қўшимча масалалар ректор рухсати билан навбатдаги мажлисга 2 кун қолгунга қадар киритилиши мумкин.

3.6. Университетнинг ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий ишларга доир барча масалалар бўйича кенгаш қарорлари очиқ овоз бериш тартибида кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади. Кенгаш мажлиси унинг тартибидаги аъзоларнинг 2/3 қисми ишпирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

3.7. Профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимларини эгаллаш ҳамда профессор ёки доцент илмий унвонларини бериш бўйича ўтказиладиган танловлар ва тақдимномалар юзасидан қарорлар ёпиқ овоз бериш йўли билан белгиланган тартибда қабул қилинади.

3.8. Кенгаш қарорлари университет ректори томонидан имзолаганидан сўнг кучга киради.

3.9. Кенгаш мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомалар кенгаш раиси ва илмий котиб томонидан имзоланади.

3.10. Кенгаш раиси томонидан кенгаш қарорларининг бажарилиши бўйича мунтазам равишда текширувлар ташкил этилади ва кенгаш аъзоларига уларнинг натижалари ҳақида ахборот берилади.

IV. Кенгаш қарорлари ижроси ва жавобгарлик.

4.1. “Ижро учун” тайёрланган баённома қарорлари нусхаси проректорлар, факультетлар деканлари, масъул ходимларга тарқатилади.

4.2. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан кенгаш илмий котиби кенгаш аъзоларига режага мувофиқ ахборот бериб боради.

4.3. Проректорлар, факультетлар деканлари, бўлимлар бошлиқлари ва қарорлар ижроси бўйича масъул этиб тайинланганлар кенгаш қарорлари бўйича қисқача ҳисоботларини ҳар ойнинг 25-санасигача ва факультетлар кенгашларидаги муҳокамаси бўйича эса ҳар чорак охириг ойининг 25-санасига кенгаш илмий котибига тақдим этиб борадилар.

4.4. Кенгаш қарорларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Намунавий йўриқнома асосида тайёрланган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иш юритиш тартибига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида”ги 12-сон қарори талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилади.

4.5. Кенгаш муҳокамасига киритиладиган ҳужжатларнинг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги учун уларнинг лойиҳасини тайёрлаган шахслар ёки уни имзолаган масъул ходимлар (проректорлар, факультетлар деканлари, бўлимлар бошлиқлари ва бошқалар) шахсан жавобгардирлар.

4.6. Узрсиз сабабларга кўра ижро интизомининг кўпол равишда бузилишига йўл қўйган масъул шахсларга ректор буйруғига асосан интизомий чоралар қўлланилади.

4.7. Кенгаш фаолиятини олиб боришда Самарқанд Давлат университети устави, Самарқанд Давлат университети иш регламенти, Самарқанд Давлат университети ички тартиб-қоидаларига ҳам асосланилади.

Самарқанд Давлат университети кенгаши таркиби

| № | Ф.И.О. | № | Ф.И.О. |
|-----|---|-----|--|
| 1. | Халмуродов Рустам Ибрагимович – кенгаш раиси, ректор | 33. | Жўрақулова Дилфуза – тарих факультети декани |
| 2. | Эштаев Алишер – ёшлар билан ишлаш бўйича проректор | 34. | Аванесова Нона – археология кафедраси профессори |
| 3. | Солиев Аҳмаджон – ўқув ишлари бўйича проректор | 35. | Мамараҳимов Холмўмин – Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти |
| 4. | Хушвақтов Ҳаким – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор | 36. | Қипчоқов Баҳодир – жисмоний маданият факультети декани |
| 5. | Раҳмонов И.У. – молия-иқтисод ишлари бўйича проректор | 37. | Эшназаров Жўракул – жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси мудири |
| 6. | Носиров Мухтор – ташкил ҳамкорлик бўйича проректор | 38. | Юсупов Донокул Иргашевич – “Талаба спорт клуби” ижроочи директори |
| 7. | Тўхтаев Хайрулла – университет бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси | 39. | Маҳматмуродов Шавкат – педагогика факультети декани |
| 8. | Болтаев Мардонкул – кенгаш илмий котиби | 40. | Урунов Абдухалил – меҳнат таълими кафедраси мудири |
| 9. | Пардаев Ислоҳ – ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи | 41. | Нуриддинова Майсара – бошланғич таълим методикаси кафедраси профессори |
| 10. | Алиқулов Бегали Сайдуллаевич – ўқув-услубий бошқарма бошлиғи | 42. | Абсанов Аҳмад – физика факультети декани |
| 11. | Жўрақулов Мавлон – нурунийлар кенгаши раиси | 43. | Қувондиқов Облоқул – умумий физика кафедраси профессори |
| 12. | Низомова Нигора Нейматовна – магистратура бўлими бошлиғи | 44. | Қодиров Мўмин – астрономия кафедраси мудири |
| 13. | Тўхлиева Шарофат Бектош қизи – хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси | 45. | Ҳайдаров Бахтиёр – мактабгача таълим факультети декани |
| 14. | Атаҳаджаева Диляра Ҳошимовна – кадрлар бўлими бошлиғи | 46. | Қозимов Жаводбек – мусиқа таълими кафедраси доценти |
| 15. | Қурбонниёзов Сафарбой – жамоатчилик кенгаши раиси | 47. | Тайланова Шоҳида – мактабгача таълим педагогикаси ва психология кафедраси мудири |
| 16. | Қўлиев Комил – таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи | 48. | Бобоёров Абдусаттор – амалий математика ва информатика факультети декани |
| 17. | Аббосов Субҳон Бурҳонович – малака ошириш ва қайта таёрлаш минтақавий маркази бошлиғи | 49. | Жуманов Исроил – ахборотлаштириш технологиялари кафедраси мудири |
| 18. | Абдуллаева Альбина Суратовна – рус филологияси факультети декани | 50. | Хўжаёров Бахтиёр – математик моделлаштириш кафедраси мудири |
| 19. | Ряснянская Раиса – рус тилшунослиги кафедраси доценти | 51. | Сафаров Баҳодир – иқтисодиёт ва бизнес факультети декани |
| 20. | Ишниязова Шаҳноза – рус ва чет эл адабиёти кафедраси мудири | 52. | Усманова Дилафрўз – кадрлар менежменти ва бизнес кафедраси мудири |
| 21. | Келдиёров Худаёр Отамуродович – биология факультети декани | 53. | – |
| 22. | Ходжаев Жўракул – ботаника кафедраси профессори | 54. | Мусулмонов Норйигит – кимё факультети декани |
| 23. | Жабборов Абдурашид – зоология кафедраси мудири | 55. | Мухаммадиев Нурали – физикавий ва коллоид кимё кафедраси мудири |

| | | | |
|-----|---|-----|---|
| 24. | Бегматов Акрам – механика-математика факультети декани | 56. | Муродов Қодир – аналитик кимё кафедраси доценти |
| 25. | Лақаев Саидахмад – математик физика ва функционал анализ кафедраси мудири | 57. | Мирзаев Раҳматилла – психология ва ижтимоий фанлар факультети декани |
| 26. | Ҳасанов Акназар – дифференциал тенгламалар кафедраси мудири | 58. | Яхшиликков Жўрабой – фалсафа кафедраси мудири |
| 27. | Элтазаров Жўлибой – филология факультети декани | 59. | Айматов Аминжон – ижтимоий фанлар каф.доценти |
| 28. | Мухиддинов Муслихиддин – мумтоз адабиёт тарихи кафедраси профессори | 60. | Умидуллаев Шухрат – махсус сиртки таълим ф-ти декани |
| 29. | Ҳамроев Жумакул – тожик тили ва адабиёти кафедраси мудири | 61. | Раҳмонов Мухиддин – ҳарбий кафедра бошлиғи |
| 30. | Ибрагимов Лутфулло – география ва экология факультети декани | 62. | Тўхтаев Ҳусан – Ёшлар иттифоқи университет бошланғич ташкилоти етакчиси |
| 31. | Ҳоликулов Шоди – гидрометеорология кафедраси мудири | 63. | Умаров Азамат Мардонович – академик лицей директори |
| 32. | Абулқосимов Али – гидрометеорология кафедраси профессори | | |